

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОШИМОВА НАРГИС АБДУЛЛАЕВНА

ЎЗБЕК ТИЛИДА АССОЦИАТИВ МУНОСАБАТЛАР

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Contents of Dissertation

Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philology

Хошимова Наргис Абдуллаевна

Ўзбек тилида ассоциатив муносабатлар.....	3
---	---

Khoshimova Nargis Abdullaevna

The associative relations in the Uzbek language.....	24
--	----

Хошимова Наргис Абдуллаевна

Ассоциативные отношения в узбекском языке.....	43
--	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works	46
-------------------------------	----

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОШИМОВА НАРГИС АБДУЛЛАЕВНА

ЎЗБЕК ТИЛИДА АССОЦИАТИВ МУНОСАБАТЛАР

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Fil234 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Фарғона давлат университети веб-сайти (www.fdu.uz) ҳамда «Ziyonet»ахборот-тъълим порталида(www.ziyonet.uz)жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сайфуллаева Рано Рауфовна

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Усмонова Хуринниса Шараповна

филология фанлари доктори, доцент

Акрамов Шукуржон Тўхтасинович

филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети хузуридаги филология фанлари бўйича илмий даражада берувчи DSc.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2017 йил соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-йй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz)

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-йй. Тел.: (99873) 244-71-28

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

М.Х.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш

раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш

котиби, филол.ф.н., доцент

А.Мамажонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш

қошидаги илмий семинар раиси,

филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигига тилни системавий тузилиши оламдаги нарса ва ҳодисаларни синфларга ажратиш, тур ва жинсларга, гурухларга бўлиб чиқиш, анализ ва синтез жараёни каби муносабатлар тизимиға асосланади. Тилни майдон сифатида ўрганиш тилнинг коммуникатив, куммулятив, семиотик, прагматик ва гносеологик табиатини акс эттиришда катта аҳамиятга эга. Тил ва ассоциатив тафаккурга алоқадор масалалар нафақат систем-структур тилшуносликда, балки психолингвистика, нейролингвистика, ижтимоий психология, синергетика, фалсафа, мантиқ ва когнитологиянинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Дунё тилшунослигига миллий қадриятлар, миллий онг ва тафаккурни лисоний воситалар орқали идрок этиш масалаларига эътибор кучайган. Ассоциатив майдонни систем-структур тилшунослик аспектида тадқиқ этиш тил элементларини ўрганиш билан боғлиқ бўлса, когнитив тилшуносликда миллий концептосфера орқали тушунча (концепт)ни категориялаштириш масалалари ўрганилади. Ассоциацияларни бир неча фанлар уйғунлигига таҳлил этиш тил масалаларини атрофлича ёритиш имконини бериш билан бирга, шахс тафаккурининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишга замин яратади. Лисоний ассоциатив тажрибалар орқали миллат менталитети ва тафаккурининг жамоавий ва индивидуал қатламини фарқлаш муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги кунда жамиятимизда юз берадиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар ҳамда фан-техника тараққиёти замонавий ўзбек тилшунослигига тилнинг имманент реаллигига эътиборнинг кучайишига олиб келмоқда. Тадқиқотда систем-структур тилшунослик, нейролингвистика, ижтимоий психология, когнитив тилшунослик каби фанлар асосида ассоциатив тизим ва жараёнларни комплекс тадқиқ этиш, ўзбек тили соҳибларининг тил онги асосида ассоциатив майдонларни моделлаштириш, текширилаётган кишиларнинг ассоциатив жавоблари орқали тил бирликларининг когнитив тизимларининг муайян моделларини белгилаш вазифалари назарда тутилади. “...Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш,... ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси”¹ тилшуносликнинг барча йўналишларида тадқиқотлар олиб бориш ва турли амалий тажрибалар ўтказишни талаб қиласди. Бу эса тилни амалий ва назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, тил масалаларини унинг соҳиблари дунёқарashi, тафаккури ва объектив оламни билиш даражасидан келиб чиқиб тадқиқ этиш фанда катта ютуқларни қўлга киритишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонуни, Вазирлар Махкамасининг

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [www.http://www.prezident.uz/uz/lists/view/137](http://www.prezident.uz/uz/lists/view/137)

«Давлат тили ҳақида»ги қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сонли қарори талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ассоциацияларнинг ўрганилиш тарихи қадимги грек тилшунослиги, хусусан, Аристотель асарларида баён этилиб, XX аср бошларига келиб, тиббиёт ва психологияда бу масала билан махсус шуғулланила бошланди. Ассоциацияларни ўрганишга бағищланган йирик тадқиқотлар муаллифи Фрэнсис Гальтондир². У XIX асрнинг охирида биринчи бўлиб ассоциатив тажриба ўтказиб, уларга илмий жиҳатдан ёндашди. Кейинчалик бу хусусда Г.Кент ва А.Розанов томонидан ўтказилган тажрибалардан маълум бўладики, ассоциация шахсларнинг нафакат психик ривожланишини, балки нутқий фаолиятини, унинг тараққиёт даражасини кўрсатади.³

Сўнгра ассоциациялар Д.Диз, Ч.Кофер, Ч.Осгуд, К.Юнг, З.Фрейд, Ж.Дженкинс, Мак Коркодейл ва В.Боусфилд каби психолог олимларнинг илмий изланишларида ҳам асосий ўринни эгаллади. Ж.Диз, Ж.Дженкинс, Ч.Кофер, В.Боусфилд сўз-стимулнинг алоҳида ассоциатив реакцияларини эмас, балки сўзга тааллуқли ассоциациялар тўри(сеткаси)ни тадқиқ этдилар.

Ассоциацияларни ўрганиш рус тилшунослигига дастлаб XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Ю.Н.Караулов, Г.С.Щур, А.Р.Лурия ва Г.М.Мартинович каби тилшунос олимлар томонидан ассоциациялар билан боғлиқ масалалар у ёки бу тарзда тадқиқ этилди. Нутқдаги ассоциатив

²Galton, F., Psychometric Experiments // Brain, 1880 - N2. - P. 149-162.

³Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. –Тошкент: Фан, 1998.- Б.44.

алоқалар ҳам А.А.Андреевская, Ч.Огуд, Марк каби тилшунос олимларнинг эътиборини жалб этди. Фалсафа, мантиқ ва психология йўналишларида Платон, Аристотель, Т.Гоббс, Д.Локк, И.Ф.Гербарт, З.Фрейд, К.Юнг, А.Р.Лурия сингари олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилди. Тилга ассоциатив ёндашувда В. фон Гумбольдт, А.А.Потебня, Н.В.Крушевский, А.Леонтьев, А.Вежбицкая, А.А.Овчинникова асарларида ифодаланган. Ассоциатив тажрибаларда ифода этилган вербал ассоциациялар Ф.Гальтон, А.Тумба ва К.Марбе, Г.Кент ва А.Розанов, Д.Палермо, Ж.Диз, Ж.Дженкинс, А.Р.Лурия, А.А.Леонтьев, Л.В.Сахарный, А.А.Залевская, Ю.Н.Караулов ишларида келтирилган.

Ўзбек тилшунослигида Ш.Искандарова, А.Собиров ва Б.Курбонова, Д.Худойберганова, Д.Лутфуллаевалар томонидан ассоциатив муносабатлар хусусида баъзи фикрлар мавжуд бўлса-да⁴, ассоциатив майдон муаммоси психолингвистика, прагматика, когнитив тилшунослик соҳаларида ilk маротаба монографик асосда тадқиқ қилинмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилининг системавий тадқиқи» йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади систем тилшунослик, психолингвистика, когнитив тилшунослик, нейролингвистика ва прагматика фанларининг синергетик ёндашувида ассоциатив тизим ҳамда жараёнларни ўзбек тили материаллари асосида таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

вербал ассоциатив майдонларнинг тузилишини назарий ва амалий жиҳатдан тасвираш;

вербал ассоциацияларнинг ва ассоциатив майдонларнинг онтологик, эпистомологик ва лисоний жиҳатларини ёритиш;

ассоциатив тажрибалар олиб бориш усулларини ишлаб чиқиш ва олинган маълумотларни статистик таҳлил қилиш;

жамоавий ва индивидуал ассоциатив майдонларни фарқлаш юзасидан олиб борилган тажрибаларнинг натижаларини таҳлил қилиш;

ассоциатив майдонни юзага келтирувчи омилларнинг индивидуаллигини аниқлаш;

“санъат” архисемали лексемаларни лисоний ва грамматик жиҳатдан таҳлил қилиш, майдон ёки гурух таркибидаги ассоциатив алоқаларнинг турларини қўрсатиш;

⁴Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. –Тошкент: Фан, 1998; шу муаллиф. Тил системасига майдон асосида ёндашув. -Тошкент: Фан, 2007; Собиров А.Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. - Тошкент:Маънавият, 2004; Курбонова Б.Қ. Локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фанл. номз....дисс. автореф. - Тошкент, 2007; Худойберганова Д. Ўзбек тилида бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Докторлик диссертацияси автореферати.-Тошкент, 2015; Лутфуллаева Д.Ассоциатив тилшунослик назарияси. Монография.-Тошкент “Megiyus”, 2017

вербал ассоциацияларни когнитив ва концептуал таҳлили орқали ассоциатив майдон фреймларини ва слотларини шакллантириш;

Тадқиқотнинг объектини эркин ва занжирли ассоциатив тажрибаларнинг натижалари ташкил этади. Тажрибада Фарғона давлат университети филология ва чет тиллар йуналишининг 70 нафар талабаси ҳамда четдан 10 нафар киши иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети санъат архисемали лексемаларининг ассоциатив муносабатларини ўз ичига олади.

Тадқиқот усуллари. Оламнинг узлуксиз тараққиётда эканлигини эътироф этувчи диалектик фалсафа тадқиқотнинг методологик асосини белгилайди. Мавзуни ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, аналитик тасвирлаш, мазмуний таҳлил, прагматик таҳлил, нейролисоний таҳлил, статистик таҳлил, бевосита ташкил этувчилар, концептуал ёки фреймлар таҳлили методларидан самарали фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилар билан белгиланади:

жамоавий, индивидуал, концептуал ассоциатив майдонлар индивиднинг ёши, миллати, жинси, яшаш ҳудуди, ижтимоий келиб чиқиш каби ташқи омиллар ҳамда репрезентатив тизим каби ички омил асосида юзага келиши исботланган;

‘санъат’ майдонининг синонимик, даражаланиш, темпорал, антонимик, ассиметрик каби ички микросистемалари аниқланган;

ўрганилаётган ассоциатив майдоннинг лисоний, нейролисоний ва концептуал таҳлили когнитив аспектда исботланган;

ўзбек тили соҳибларининг менталитети ва тил онги негизида ассоциатив майдонлар моделлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

диссертация тилшунослик назарияси, тилни система сифатида ўрганиш, прагмалингвистика, лингвокультурология, психолингвистика, нейросемантикані ўрганиш билан боғлиқ йўналишлар ривожида катта назарий аҳамиятга эга;

диссертацияда тадқиқ қилинган материаллар ассоциатив луғатлар тузишида ҳамда чет тилларни ўқитишида репрезентатив тизим модалликлари ва ассоциациялардан фойдаланиш масалалари амалий аҳамиятга эга;

тадқиқот натижаларидан лексикография, тиббий диагностика, криминалистикада ҳамда эълон беришда фойдаланиш мумкин;

“санъат” лексемаларининг ассоциатив луғати шаклланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган материаллар ўзбек тили табиатидан келиб чиқсан ҳолда хulosалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукаммаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Ўзбек тилшунослигига тил бирликлари ўртасидаги ассоциатив муносабатларни аниқлаш тилга системавий асосда ёндашувни, ўзбек тилшунослигига прагматика, амалий тилшунослик, маданиятшунослик,

когнитив тилшунослик, психолингвистика, нейролингвистика ва хорижий тилларни ўргатиш каби йўналишларни такомиллаштиришда назарий жиҳатдан муҳим омил бўлади.

Тадқиқот тилга система сифатида ёндашув, прагматика, когнитив тилшунослик, психолингвистика ва нейролингвистика билан боғлиқ маҳсус курслар ташкиллашда, дарслик ва қўлланмалар яратишида асос бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

лингвистик бирликларнинг борлиқдаги воқеликни ифодалаш, онг фаолияти, ундаги саралаш, умумлаштириш ва таснифлаш ҳақидаги назарий хуносалар 2015-2017 йилларда олиб борилган “Ўзбек амалий психолингвистикасини яратиш дастурини ишлаб чиқиш” номли А-1-39 амалий-техник грантида ўз ифодасини топган. (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 31 май 89-03-2125-сон маълумотномаси). Натижада вербал воситаларнинг онтологик, эпистомологик ва лисоний жиҳатларини ёритиши масалалари илмий далиллар билан бойишига эришилган;

диссертацияга оид тизим тамойилларини белгилаш, репрезентатив тизим модалликларини аниқлаш орқали ўқувчиларни ўқитиши тавсифларидан 2015-2017 йиллар давомида бажарилган “Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари” номли А-1-126 амалий илмий-техник грантида фойдаланилган. (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2018 йил 31 май 89-03-2125-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчининг психологик ҳолатини эътиборга олиш ва тилни ўқитиши масалаларига аниқликлар киритилишига эришилди;

ўзбек тилида лугатшунослик масалалари, ассоциатив лугатлар тузишда ассоциатив тажрибаларнинг муҳимлиги, ушбу тажрибаларда ўзбек тили соҳибларининг тил онги орқали ассоциатив майдонларни моделлаштириш, ассоциатив лугатларда лингвокультурологик ва когнитив жиҳатлари ва ассоциатив фикрлашнинг ўзбек менталитетига хослиги ифодаланишига оид илмий қарашлари ва хуносалари Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг 2018 йил 19 январь куни “Маънавият сарчашмаси” кўрсатувида, 12 апрель куни “Зиё маскани” радиоэшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган. (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 23 апрель, 135-сон маълумотномаси). Натижада мазкур манбалар телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмунини мукамаллаштириди ва илмий далиллар билан бойитди.

“‘Санъат’ архисемали лексемаларнинг ассоциатив лугати” яратилди. - Фарғона.-2018й.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Тадқиқот натижалари 20 та, жумладан, 4 та халқаро ва 16 та республика имлий-амалий анжуманларида маъруза қилиниб, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 30та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий атtestация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган бўлиб, иш 165 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

“Ассоциатив майдон тадқиқида вербал ассоциацияларнинг ўрни” деб номланган биринчи бобда ассоциатив майдоннинг ўзига хос хусусияти, олиб борилган тажрибалар моҳияти ва ассоциацияларни таснифлаш масалалари атрофлича баён қилинади.

Ассоциатив майдон атамаси илк маротаба ассоциатив груп ва қаторлар масаласига оид тадқиқотларда Ш.Баллининг асарида қўлланилган.⁵

Ассоциатив майдон атамаси баъзан мазмуний майдон тушунчасининг синоними сифатида қўлланади. Масалан, Ю.С.Степанов мазмуний майдонларнинг шундай турларини ажратади: Покровский майдони, Трир майдони, Порциг майдони. У ассоциатив майдонни ҳам мазмуний майдон турларидан бири сифатида тўртинчи турга киритади⁶, яъни олим ассоциатив майдон ва мазмуний майдон тушунчаларини ўзаро фарқламайди, уларни синонимлар деб ҳисоблайди.

Айрим тадқиқотларда эса ассоциатив майдон ва мазмуний майдон тушунчалари фарқланади. Жумладан, Ю.Н.Караулов ўз ишларида ассоциатив майдонни реалликни англайдиган индивидуал шахснинг таъриф-тавсифи эканлигини асослаб беради.

Унинг таъкидлашича, ассоциатив майдон ва мазмуний майдон доирасини ўзаро қиёслаш орқали ассоциатив групчлар тузилишида киши онгига келган ассоциациялар бир шахсга хос (индивидуал) бўлиши, ассоциатив майдон эластик тарзда белгиланиши, яъни турли шахслар томонидан тузилган ассоциатив групчларнинг ҳажми ҳар хил бўлиши мумкинлиги, яъни ассоциатив групчлар тузилиши жараёнида индивидуал эркинликка ва ихтиёрийликка йўл қўйилишини кузатиш мумкин⁷.

⁵ Балли Ш.Общая лингвистика и вопросы французского языка.- М., 1955.

⁶ Степанов Ю.С. Основы общего языкознания.- Москва: Просвещение,1975.- С.52

⁷ Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография.-М.: Наука, 1976.- С.176.

Тадқиқотчи В.П.Абрамов ассоциатив майдонни бир бутун мазмуний алоқаларининг мураккаб тўри индивидуум онгидা акс этишини, маълум мазмуний майдонларнинг актуаллаштирилишини ҳамда сўзни психологик тизимнинг муҳим аспекти сифатида ифодалайди.⁸

Ишда ассоциациялар тадқиқида жамоавий ва индивидуал ассоциатив майдонларининг алоҳида таҳлилига эътибор қаратилди.

Берилган сўз-стимулнинг сўз-реакциялари оламнинг индивидуал манзарасининг бир парчасини ифодалайди. Турли шахсларнинг индивидуал майдонлари шу даражада субъектив бўладики, иккита бир ҳил ассоциатив майдон вужудга келишига имкон бўлмайди. А.А.Леонтьев, Ю.Н.Караулов ва Л.Н.Чурилинанинг фикрича, ҳар қайси шахснинг индивидуал ассоциатив майдони ўзгача бўлишини ва турли индивидларда сўзлараро алоқаларнинг ҳам хилма-хиллигини таъкидлайдилар⁹. Индивидуал ассоциатив майдон, тадқиқотчиларнинг фикрича, доимо ўзгариб турадиган, динамик ҳаракатга эга тузилиш бўлиб, шахсий тажриба тўпланган сари ўзгариши билан ажралиб туради. Шахснинг индивидуал лугатидаги сўз заҳираси ўтмиш ва ҳозирги замон билан боғлиқ бўлса, келаси замон эса шахс лугатидаги сўзлар таркиби ўзгаришини ва янги сўзлар қўшилишини белгилайди. Шунинг учун, ассоциатив майдон уч замоннинг синхрон ҳаракатини юзага чиқаради.¹⁰ Ассоциатив тажриба ўтказилаётганда шахснинг онги ифодаланади, тажриба жараёнида шахснинг ҳаётий тажрибаси орқали тўпланган тушунчалар ифодаланади. Шу боис ассоциатив майдон доимо ўзгарувчанлиги, динамик ҳарактерга эгалиги, шахснинг ҳаётий тажрибаси ошган сари сўз-стимулга берилган сўз-реакциялар ўзгариб туриши билан ифодаланади.

Жамоавий ва индивидуал ассоциатив майдонларни фарқлаш учун тадқиқотда эркин ва занжирли ассоциациялар тажрибасидан фойдаланилган. Эркин ассоциациялар тажрибаси орқали жамоавий ассоциатив майдон бирликларини юзага келиши ифодаланди. Мазкур тажрибада 80 нафар киши қатнашди. “Санъат” тушунчаси остида бирлашган қатор сўзлар қатнашчиларга тарқатилиб берилди ва шунга асосан санъатга тааллуқли сўзларнинг ассоциатив луғати шаклланди, кўп қайд этилган сўзларга асосан майдон ядроси шаклланди, майдон базаси ва периферияси сўзларнинг такрорланиши миқдорига қараб аниқланди.

Занжирли ассоциатив тажрибалар олиб боришда иккита усулдан фойдаланилди. Биринчи усулда текширувдан ўтказилаётган кишиларга сўз берилгандан кейин улар хаёлига келган сўзлар билан жавоб бериш тавсия

⁸Абрамов В.П. Теория ассоциативного поля // Лексикология, фразеология и лексикография русского языка: <http://netref.ru/leksikologiya-frazeologiya-i-leksokigrafiya-russkogo-yazika-te.html>

⁹ Навалихина А.И. Индивидуальное ассоциативное поле как самоорганизующаяся система. Вестник Башкирского университета.№3, том 14, 2009; бухакида қаранг: Караулов Ю.Н.Этнокультурная специфика языкового сознания.- М.: Ин-т языкоznания РАН, 1996.- С. 67-96; Чурилина Л.Н.Лексическая структура текста как ключ реконструкции индивидуальной картины мира.URL: <http://www.language.psu.ru/bin/view.cgi?art=0151&th=yes&lang=rus>.

¹⁰Навалихина А.И. Индивидуальное ассоциативное поле как самоорганизующаяся система. Вестник Башкирского университета.№3, том 14, 2009.

етилди. Берилган сўзга ассоциатив жавоблар миқдори чекланмасдан, киши ҳаёлида хеч қандай реакция қолмагунига қадар ассоциатив жавоблар бериш давом эттирилди. Бунда кишининг индивидуал ассоциатив майдони текширилди. Иккинчи усулда эса берилган сўзларнинг реакциясига занжир каби вужудга келган ассоциатив реакциялар инобатга олинди. Ушбу иккинчи занжирли ассоциатив тажриба орқали инсон онгидаги сўзлар маълум бир уяларга бирлашиши ҳамда лугат таркибидаги сўзларнинг бир-бири билан боғлиқлиги белгиланди.

Е.И.Горошконинг фикрича, ассоциатив тажрибалар жараёнида тадқиқотчилар ассоциацияларнинг таснифлаш муаммоларига дуч келган ва ҳозирги кунда меъёр сифатида мукаммал тасниф мавжуд эмас. Е.И.Горошко ўз тадқиқотларида ассоциациялар таснифларининг аксарият турларини келтирган¹¹. Шунингдек, К.Григорян, К.Юнг, Ю.Н.Караулов, А.Р.Лурия, М.Траутшольдт, Х.Мюнстерберг, Э.Крепелин, А.Тумб, К.Марбе, Ж.Миллер, Ч.Осгуд каби тадқиқотчилар ассоциацияларни мантикий жиҳатдан сўз туркуми бўйича, маъно фарқлаш бўйича, фонетик ва грамматик жиҳатдан, мавхум ва аниқлиги бўйича турларини ажратган.

Диссертацияда ассоциацияларни таснифлашда Г.Мартинович, А.Р.Лурия ва Ю.Н.Караулов изланишларига таянилди.

Ассоциатив тажрибаларда ассоциатив реакцияларининг хилма-хиллиги ва ўзига хослиги сабабини олимлар ва тадқиқотчилар бир неча омилга боғлиқлигини кўрсатиб ўтганлар. Тадқиқотда ассоциатив реакцияларнинг ўзига хослигига эътибор қаратилиб, улар бир неча омилдан иборат эканлиги таърифланди. Жумладан, ассоциатив реакциялар ташқи ва ички омилларга бўлинди. Ташқи омилларга гендер, касб, ёш, яшаш ҳудуди, миллат кабиларни, ички омилларга эса репрезентатив тизим модалликлари ва инсоннинг бутун ҳаёти мобайнида тўпланган ҳаётий тажрибасини ифодаловчи омилларни киритиш мумкин. Гендер, касб, ёш, яшаш ҳудуди ва миллат каби омиллар кўзга ташланадиган, бирламчи омилдир. Шу билан бирга, инсоннинг ички дунёси билан боғланган ва ассоциацияларнинг индивидуаллигини белгилайдиган омиллар ички омиллар сифатида кўрсатилди.

Ассоциатив тажриба жараёнида 70 нафар талаба, 10 нафар турли касб эгалари иштирок этди. Жумладан, ўқитувчи, врач, банк ходими, санъаткор, техник ходимлар, иқтисодчи каби кишилар ҳам тажрибада қатнашди. Бундан ташқари, ёшни ҳам эътиборга олган холда 10 ёшдан 60 ёшгача бўлган кишилар жалб этилди.

Ишда ассоциацияларнинг гендер орқали ифодасига эътибор қаратилар экан, бунда қуйидаги фарқлар кузатилди: ўғил болалар ва эркаклар кўпроқ изоҳловчи реакциялар беради. Буларнинг ассоциатлари кўпроқ категориал реакциялардан иборат бўлди. Қизлар вазиятга алоқадор, метафорали ёки цитатали ассоциатлар таклиф этишди.

¹¹Горошко Е.И. Интегративная модель свободного ассоциативного эксперимента.<http://tekstologiya.ru>.

Шунингдек, олиб борилган ассоциатив тажриба жараёнида гендерга хос масалалар билан бирга, касб омили ҳам таҳлил қилинди. Олиб борилган тажрибада *расм* лексемаси орқали ёш болалар онгидаги чиройли, чизди, яхши каби синтагматик алоқалар пайдо бўлди. Рассомлар онгидаги эса бу лексема *натюрморт*, *марина* каби лексемаларни, рассомлик атамаларни ёки суратлар номлари, рассомлар исм–шарифларини вужудга келтириши мумкин. *Парда* лексемаси орқали фақат “*театр*” микромурухига мансуб сўзлар эмас, балки *мато* (тикувчилар, аёллар хаёлига келади), қулоқ (врачларда), *дераза* (хар қандай одамда) каби бошқа ассоциациялар қаторига тегишли бўлган лексемаларнинг онгидаги воқеланиши кузатилади.

Диссертацияда талабаларнинг йўналишига қараб берилган ассоциатларга ҳам эътибор қаратилди.

Шунингдек, шахснинг ҳаёт мобайнида тўплаган тажрибаси ва репрезентатив тизим модалликлари ассоциатларнинг турлича бўлишига сабабчи омил сифатида эътироф этиш мумкин.

Мильтон Эриксон инсон томонидан кўриш, эшитиш, ҳид билиш, мазатаъмни сезиш, тана орқали ҳис қилиш кабиларни репрезентатив тизим деб атади. Ассоциациялар тадқиқида ушбу модалликларга эътибор қаратилди, чунки бу бевосита шахснинг таъриф-тавсифи билан боғланган бўлиб, ассоциациялар ўрганилишига прагматик жиҳатдан ёндашишни ҳам назарда тутади. Ҳар қайси берилган сўзга ассоциатлар кишининг бутун ҳаёт давомида тўплаган тажрибаси орқали ифодаланади. Ҳар бир сўз онгимизда турли вазиятлар, кечинмалар орқали сакланади ва ассоциатив тажрибаларда берилган сўзга нисбатан ассоциатив реакция кўриш, эшитиш ва ҳис этиш репрезентатив тизими орқали юзага келади.

Ҳар қайси кишида ҳар бир сўзга тааллуқли ўзига хос индивидуал тажриба шаклланади. Киши онгидаги сўзлар мазмуний гуруҳларни ташкил этади. Ушбу ассоциатив тажриба маълум шахс онгининг психологик мазмунини объектив тарзда ўрганишга ёрдам беради.

Ассоциатив психологиянинг асосчиси, И.Ф.Герберт, ўз тадқиқотларида «апперцептив йигинди» деган атамани кўллади. «Апперцептив йигинди» кишининг бутун ҳаёти мобайнида шаклланади ва кишининг ҳаётдаги индивидуал тажрибасининг асосини ташкил этади¹². Кишилар муайян бир вазиятга ҳар хил ёндашадилар, шунинг учун ҳам битта вазият ёки сўз орқали шахс онгидаги вужудга келган ассоциациялар турлича бўлади. Ассоциацияларнинг бундай усулда тадқиқ этилиши луғат таркибидаги сўзларнинг ҳар бири мазмуний тизим орқали боғланишини кўрсатади. Бундай тадқиқотлар киши онгидаги сўзларнинг мазмуний алоқасини ва мазмуний майдонларнинг психологик эквивалентларини ўрганишга ёрдам беради. Инсоннинг сўз заҳираси, апперцептив йигиндиси атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисаларга муносабати орқали намоён бўлади.

¹²Герберт И.Ф.Кто есть кто? Иоганн Фридрих Герберт.2000.<http://psychology.ru>

Шунинг учун занжирили ассоциатив тажрибаларни “онгости оқими” тушунчаси орқали изоҳлаш мумкин. Маълум вақт ичида айтиладиган сўзлар занжир каби ассоциатив реакцияларни ташкил этади. Ушбу сўзлар мазманий гурух ёки мазманий уяларга бирлашиб, ҳар бир уянинг ҳажми фарқланиб туради¹³.

Куйидаги жадвалда ўтказилган занжирили ассоциатив тажриба орқали тадқиқотнинг натижалари юзага чиқди. Ассоциатив тажрибанинг мақсадини тўлиқ кўрсата олганлиги туфайли бу жадвални Т.В.Попованинг ассоциатив тажрибаларидан олиш лозим деб топилди¹⁴.

Тажриба рақами	Занжир узунлиги	Уялар сони	Уялар ҳажми
1	6 сўз	3	3 сўз, 2 сўз, 2 сўз
2	10 сўз	3	3 сўз, 3 сўз, 4 сўз
3	8 сўз	4	2 сўз, 2 сўз, 4 сўз

Teatr: актёр – бўяңган ниқобли одам – маскарад – байрам – тўй – келин-куёв.

Teatr: илҳом – оркестр – кантата – Эдита Пьеха – мэтр – мадонна - қўшиқ – мусиқа – Ванесса Мэй – скрипка.

Teatr: томоша – кўзбўямачи – лоф – ёлғон – рост – ҳақиқат – чин сўз – ваъда.

Ассоциатив қаторларни оддий алоҳида сўз-ассоциатлар сифатида таҳлил қилиш мумкин эмас. Ассоциатив қаторнинг қисмлари бир бутун бирлик тарзида ифодаланади¹⁵. Ассоциатив қатор бир неча бутун қисмлардан, яъни уялардан иборат бўлиб, ҳар бир уя бир бири билан чамбарчас ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.

Шунингдек, занжирили ассоциатив тажриба сўзлараро мазманий боғланишларни кўрсатади. Ю.Н.Карауловнинг фикрича, тилда мазмун жиҳатдан алоҳида, яъни айрилган (автоном ҳолдаги) лексема бўлиши мумкин эмас. Тилдаги ҳар бир лексема мазмунан бир-бири билан бевосита боғланмаса-да, лексемалар бир-бирига мосланиб шундай занжир ҳосил қилиши мумкинки, бундай занжир иккита турли маъноли ва мазмун томондан бир-биридан узоқ бўлган лексемаларни бир-бири билан боғлайди. Бунда дастлабки элемент ўртасида олти қадамдан кўп бўлмаган занжир пайдо бўлади¹⁶. Биринчи мисолдаги *актёр* ва *келин-куёв* сўзлари ўртасида ҳеч қандай мазманий боғланиш мавжуд эмас, лекин улар бир-бири билан ассоциатив занжир орқали боғланиб келмоқда.

¹³Попова Т.В.Ассоциативный эксперимент в психологии.Эл.ресурс: учебное пособие-2 изд., стереотип-М.,2011. - С.46-48

¹⁴Попова Т.В.Ассоциативный эксперимент в психологии.Эл.ресурс: учебное пособие-2 изд., стереотип. - М.,2011. - С.46-48

¹⁵Леонтьев А.Н.Избранные труды по лингвистике.- М.: Педагогика, 1983.- С.71.

¹⁶ Караулов Ю.Н.Общая и русская идеография.-М.: Наука, 1976.- С.77.

“Ассоциатив майдон тадқиқида вербал ассоциацияларнинг мазмуний ва грамматик таҳлили” деб номланган иккинчи бобда ассоциатив ва мазмуний майдонларнинг фарқли жиҳатларини кўрсатиш учун метаденотат ва метадесигнат тушунчаларидан фойдаланилди.

Тадқиқотчилар фикрига кўра, киши онгига келган дастлабки ассоциациялар денотатларга хос бўлади.¹⁷ Метаденотат конгломератив (бир-бирига боғлиқ ҳолатда тармоқланиш) ҳодисасига эга бўлиб, реал борлиқда мавжуд бўлган бир қанча нарса-ходисаларни (денотатларни) умумий белгиларига кўра бир ерга жамлаб, йиғиб келади. Метадесигнат бир-бирига боғлиқ бўлган предметлар ҳакидаги тушунчанинг тармоқланишини намоён этади.¹⁸ Метаденотат ва метадесигнат ассоциацияларни таҳлил қилишда далилсиз ассоциацияларни маълум гуруҳ ёки майдон таркибига киритишни чегаралайди.

Майдон таркибидаги лексемалараро турли муносабат ва алоқалар мазмуний жиҳатдан изохланади ва тўртта катта гурухга ажратилади. Бевоситали гуруҳ яқинлик ва ўхшашлик бўйича ассоциатив алоқаларни ўз ичига қамрайди, ўхшашлик бўйича ассоциатлар яна икки кичик гурухга бўлинади ҳамда изоҳловчи ва таснифий ассоциатларни ташкил қиласди. Изоҳловчи ассоциациялар синтагматик қаторларни вужудга келтиради. Таснифий ассоциациялар эса майдон таркибидаги парадигматик муносабатларининг турли гуруҳ ва турларини ифодалайди, шунингдек, мазмуний, тушунчавий ва лексик майдонлар таркибидаги сўзлараро алоқаларни намойиш этади. Яқинлик бўйича ассоциацияларга ўз таркибида умумий ўхшаш белгиси мавжуд бўлмаган реакциялар киради.

Кейинги гурухга воситали ассоциацияларни киритиш мумкин. Бундай ассоциациялар занжирли ассоциациялар турига тегишли бўлиши ҳам мумкин, чунки битта сўз кейинги сўзни восита-сўз орқали вужудга келтиради. Айрим ҳолатда ассоциатив тажрибадан ўтаётган шахсларнинг ассоциатларини изоҳлаш учун ассоциатив алоқаларни маъно жиҳатдан ўхшашлик ҳамда яқинлик гурухига мансублигини ифодалаш мураккаб кўринади. Шунинг учун ушбу турдаги ассоциатлар синкетик гурухга киритилади. Ассоциатив майдон шахснинг индивидуал таъриф-тавсифидир. Шу туфайли сўзлараро мазмуний алоқаларини аниқлаш мураккаб бўлганлиги сабабли турли ассоциатив жавоблар ҳам учрайди. Ушбу ассоциатлар ассоциацияларнинг ноаниқ турига киритилади.

“Рассомлик” майдони номи билан майдон таркибидаги лексемаларнинг Боғлиқлиги қўйидагидан иборат. Ўхшашлик бўйича таснифий гуруҳ ассоциатларини *рассом, расм, сурат, тасвир, галерея, санъатшунослик, портрет, санъат, чизмачилик, музей* лексемалари ташкил қиласди. Яқинлик

¹⁷Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография.-М.:Наука,1976.- С.113-114
Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. -
Тошкент: Маънавият, 2004.- Б.77

бўйича ассоциатларга *соқол*, *табиат*, *мўйқалам*, *девор*, *ҳаётай*, *галати кийим* кабилар киритилди. Воситали ассоциациялар *рассомлик-(расм чизмоқ)-одам* лексемаларидан иборат бўлиб, бунда *рассомлик* лексемасига *одам* лексемаси *расм чизмоқ* лексемаси орқали юзага келди. Ноаниқ ассоциациялар қаторини меҳр сўзи ташкиллади.

Ассоциатив майдон таҳлилида психофизиологик жиҳатдан таснифлаш масалаларига ҳам эътибор берилди. Бунда шахс онгидага сўзларнинг вужудга келиш жараёни намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, ассоциатив майдон таркибидаги сўзларни мазмуний жиҳатдан икки гурухга бўлиш мумкин. Категориал гурухни *мусиқа* – *куй*, *ашула*, *қўшиқ*, *наво*, *оҳанг*, *санъат*, *санъатиунослик*, *ритмик асар*, *жонли ижро*, *шошимақом*, *мақом*, *поп* лексемалари, кўргазмали-ҳақиқий гурухини эса *дам олиш*, *гамгин*, *чанг*, *роҳат бағишилаш*, *юлдузлар*, *базм*, *бош оғриқ*, *галати бино*, *арфа*, *хотиралар*, *ором*, *асбоблар*, *хордик*, *овоз* лексемалари ташкил этади.

Ишда “*мусиқа*” микрогурухига тегишли айрим гурухларда келтирилган товуш ассоциациялар ҳам таҳлил қилинди. Масалан, *арфа* – *альфа*. Ю.Н.Караулов лексемалараро мазмуний алоқа мавжудлиги ассоциациялар мавжудлигини ифодалашини таъкидлаган¹⁹. Лекин ассоциациялар мавжудлиги бу мазмуний алоқа мавжудлигидан далолат бермайди, чунки мазмунан боғланган лексемалардан ташқари товуш бўйича ассоциатив алоқалар ва индивидуал ноаниқ ассоциатлар ҳам юзага келиши мумкин.

Ассоциатив тажрибалардан маълум бўлдики, ҳар қайси кишида шахсий тажриба тўпланган сари сўзлар шахс онгидага маълум бир мазмуний тўрларга бирлашади. Сўз стимул сифатида берилган сўзга мазмуний алоқадорлиги мавжуд бўлган ассоциатлар вужудга келади. Одатда, мазмуний алоқа бўйича, яъни категориал ва кўргазмали-ҳақиқий ассоциатлар вужудга келади. Товуш ассоциатлар эса онейроид ҳолатда, яъни одам чарчаганда ёки уйқуси келаётган вақтда пайдо бўлади. Бизнинг тажрибалардан маълум бўлдики, киши сўз маъносини билмаса, ушбу сўзга товуш ассоциациялар вужудга келади. *Масалан*, *гравюра* – *Юра асли*, *алифмой* – *алифбо*. Демак, киши сўзни билмаса, унинг шахсий тажрибасида ушбу сўзга тааллуқли мазмуний уя ёки тўрлар хосил этилмайди ва хаёлига фақат товуш бўйича ассоциатлар келади.

Жамоавий ассоциатив майдон текшириувчилар томонидан қайд этилган сўзларга асосан шаклланди. Бунда кўп қайд этилган сўзлар майдон ядросини ташкил қилган бўлса, ягона реакциялар эса майдон перифериясига жойлаштирилди.

Жамоавий ассоциатив майдон билан бирга, индивидуал ассоциатив майдоннинг ҳам изоҳи келтирилди. Қуйидаги ассоциатив майдон 55 ёшдаги иқтисодчига тегишли. Индивидуал ассоциатив майдонни юзага чиқариш учун занжирли ассоциатив тажрибадан фойдаландик. Ю.Н.Караулов мазкур тажрибани эркин ассоциациялар усулининг яна битта кўриниши сифатида

¹⁹Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография.-М.: Наука, 1976.- С.176.

изоҳлайди. Лекин тадқиқотда Е.И.Горошко, А.Леонтьев фикрларига ёндашиб мазкур тажриба занжирли ассоциатив тажриба сифатида изоҳланди, чунки ҳар қайси турткі сўзга занжир каби қатор сўз-реакциялар келиши билан, улар яна ўзидан кейинги сўзлар учун турткі сўз тарзида келиб тааллуқли реакцияларини ҳам юзага келтириши мумкин.

Индивидуал ассоциатив майдон ҳар қайси шахсда турлича бўлиши билан жамоавий майдондан ажralиб туради. Шу билан бирга, индивидуал ассоциатив майдонни таърифлашда ассоциатив луғат ёки ассоциатив меъёр шаклланиши мумкин эмас. Майдон ядро, база ва периферик қатламларни белгилашда биз хаёлга келган биринчи сўзларни майдон ядросига жойлаштиридик. Кейинги сўзлар эса, ўз навбатида, база ва периферия қатламларидан жой олади.

Куйидаги жадвалда жамоавий ва индивидуал майдонларнинг фарқи кўрсатилган.

Жамоа ассоциатив майдони



Индивидуал ассоциатив майдон (55 ёш, иқтисодчи)



Ишда ассоциацияларни грамматик жиҳатдан текшириш мақсади ҳам кўйилган. Бунда парадигматик ва синтагматик реакцияларга тўхталиб, от, феъл ва сифат туркумiga оид сўзлар таҳлил қилинди. Тадқиқот жараёнида ўзбек тилида от туркумли берилган сўзларга ассоциатив реакция сифатида 70-80% от, 10-20% сифат вужудга келди ва қолган ассоциатлар феъл, иборали сўзлар ҳамда сўз бирикмаларни ташкил этади. Феъл туркумли сўзлар ассоциатив реакция тарзида 50% феълларни, 40% от ва ҳаракат номи, 10% сўз бирикмалар ҳамда сифат ва равишларни юзага чиқаради. Сифат туркумли сўзлар 50-60 % отларни, 20-30% сифатлар ва 5-10% сўз бирикмалар ва равиши ташкил этди.

Диссертациянинг “**Когнитив ёндашув орқали ассоциатив майдон реакциялари тадқиқи**” деб номланган учинчи бобида концептуал ассоциатив майдонлар масалалари атрофлича ёритилди.

Сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигига когнитив тилшунослик масалаларига доир тадқиқотлар кўпайиб бормоқда. В.А.Маслова когнитив тилшуносликни тилшуносликнинг этнолингвистика, нейролингвистика, психолингвистика, лингвокультурология ва тарихий тилшунослик каби соҳалари билан бевосита боғлиқлигини ифодалайди²⁰. Когнитив тилшунослик маданият ҳамда шахснинг олам ҳақида миллий таассуротини ўрганиш билан боғланади. Ю.М.Лотман концепт тушунчасини индивидуум онгига ҳалқ тажрибаси ва миллат инъикоси сифатида изоҳлади. Ю.С.Степанов концептлар орқали шахснинг маданиятга киришини ва айрим ҳолатларда унга таъсир этишини кўрсатади.²¹

“Оlam манзараси” ҳақида фикр юритилар экан, бу тушунчани алоҳида турларини кўрсатиш лозим. Olamning лисоний манзараси маълум бир жамият онгига шаклланган бўлиб, бу куршовдаги оламни концептуаллаштириш масалалари билан боғлиқлигини ифодалайди. Ҳар бир табиий тил ўзининг лисоний олам манзарасига эга. Ҳар қайси инсон предмет ёки тушунча ҳақида ўз субъектив образи бўлиши билан фарқланади. Субъектив образ ташки олам билан муносабатда бўлгандагина объектив бўлиши мумкин²².

